

Макка масжидларидан бирида мавлид маросими ўтказилди



14:30 / 10.11.2018 3113

Жорий йилнинг 9 ноябрь куни мусулмонлар Макка масжидларидан бирида мавлид маросимини ўтказиш учун тўпланиб, бизнинг севимли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бағишланган нашидаларни айтишди. Бу ҳақда IslamNews ахборот агентлиги хабар берди.

Шундай қилиб, маккаликлар Рабиул аввал ойи биринчи кунининг кириб келиши – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган кунларини кутиб олишди.

Кўпчилик мусулмонлар ушбу муқаддас ойда турли хил тадбирларни ўтказишади.

Нашрнинг хабар беришича, айрим мусулмон мамлакатларида мавлид маросимлари анча дабдабали ва бутун ой давомида бўлиб ўтади: шаҳарларда Қуръон оятлари ёзилган плакатлар илинади, масжидларда одамлар тўпланиб, диний нашидалар айтилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт йўллари ҳақида маърузалар қилинади.

Islom.uz портали таҳририяти